01-09/11-01/4
4.01.2025

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қорақолпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси
____________ Ф.Эрманов
“___” январь 2025 йил

**Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашининг**
**2025 йил учун мўлжалланган**
**ИШ РЕЖАСИ**

| № | Амалга ошириладиган тадбирлар | Ижро муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1. | Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан Вазирлар Кенгашининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан, уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари, Вазирлар Кенгаши, Вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар ва ташкилотлар |
| 2. | Вазирлар Кенгаши фаолиятига тааллуқли унинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва қарорларини такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, киритилган таклифларни мазкур Вазирлар Кенгаши ходимлари ўртасида муҳокама қилишга бағишланган тадбирларида ваколатлари доирасида иштирок этиш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3. | Вазирлар Кенгаши зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни руёбга чиқариш бўйича Вазирлар Кенгаши ва ўнинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари, Вазирлар Кенгаши, Вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар ва ташкилотлар |
| 4. | Вазирлар Кенгаши фаолиятида коррупцияга қарши кўрашиш соҳасидаги давлат дастурлари бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари, Вазирлар Кенгаши, Вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар ва ташкилотлар |
| 5. | Вазирлар Кенгаши фаолиятини ислоҳ қилишда фуқоралар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш,<br>Вазирлар Кенгаши фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушинтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш Вазирлар Кенгаши фаолиятини ислоҳ қилишда фуқоралар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари |
| 6. | Фуқоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқоралик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда мурожаатларининг кўриб чиқилишини мониторинг қилиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, шунингдек, таклифлар ишлаб чиқиш, натижалари бўйича Вазирлар Кенгашига тегишли таклифлар киритиш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **7.** | Давлат дастурлари лойиҳаларини, тадбирлар режаларини ва Вазирлар Кенгаши фаолиятига тааллуқли, шу жумладан, коррупцияга қарши кўрашиш тўғрисидаги бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлаш, қабул қилинган дастурларни амалга оширишда ваколатлари доирасида иштирок этиш ва уларнинг ижроси юзасидан доимий тизимли мониторинг қилиш, бажарилган ишларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, йўл қўйилган ҳато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш, натижалари бўйича Вазирлар Кенгашига тегишли таклифлар киритиш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари, Вазирлар Кенгаши, Вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар ва ташкилотлар |
| **8.** | Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари ва ходимларининг фуқоралар билан учрашувларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ишларни ташкил этишда, шу жумладан, жойларга бориб ташкил этишда қатнашиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказиш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари |
| **9.** | Вазирлар Кенгаши фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган Вазирлар Кенгашининг ахборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланган тартибда олиш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари |
| **10.** | Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига Вазирлар Кенгаши томонидан берилган жавобларнинг сифатини танлаб олган ҳолда таҳлил қилиш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **11.** | Вазирлар Кенгаши фаолиятига боғишланган илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатларини ташкил этишда иштирок этиш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари, Вазирлар Кенгаши, Вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар ва ташкилотлар |
| **12.** | Жамоатчилик Кенгаши фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишда зарур бўлган ахборотлари, маълумотларини ва бошқа материалларини белгиланган тартибда вазирлик, идора ва ташкилотлардан сўровнома орқали олиш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари |
| **13.** | Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган (давлат дастури, ҳудудий дастурлар, тадбирлар режалари) ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун жамоатчилик эшитувларини ўтказиб бориш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари, Вазирлар Кенгаши, Вазирликлар, ҳокимликлар, идоралар ва ташкилотлар |
| **14.** | Заруриятга кўра, тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни жамоатчилик асосида Жамоатчилик Кенгашга жалб этиш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари |
| **15.** | Вазирлар Кенгашининг расмий вэб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлик очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни жойлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳар чоракда янгиланиб боришини таъминлаш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари, Вазирлар Кенгаши |
| **16.** | Жамоатчилик Кенгаши фаолияти жараёнида юзага келган фуқароларнинг қонуний манфаатларига дахлдор бошқада долзарб масалалар юзасидан жамоатчилик назорати шакллари доирасида қўшимча ўрганиш ва таҳлиллар ўтказиш. | Доимий | Жамоатчилик Кенгаши раиси ва аъзолари |